


Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари ва харажатлари бўйича таҳлили

Давлат бюджети даромадлари. 2020 йил январь-август ойларида Давлат бюджети даромадлари 82,9 трлн.сўмни ташкил қилди, шундан:

- 63,5 трлн.сўм солиқ идоралари томонидан назорат қилинадиган тушумларга;
- 14 трлн.сўм божхона идоралари томонидан назорат қилинадиган тушумларга;
- 8,4 трлн.сўм давлат бюджетининг бошқа даромадларига тўғри келди.

Шунингдек, дастлабки олинган маълумотларга кўра, 2020 йил сентябр ойида давлат бюджети даромадлари 11,58 трлн.сўмни ташкил этди. Бу эса сўнгги 9 ой давомида давлат бюджети даромадларининг сезиларли даражада ошганлигини англатади. Натижада, давлат бюджети даромадлари жорий йилнинг 9 ойида 88 трлн. 833,8 млрд.сўмни ташкил этди. Бу эса 2019 йилнинг мос даврига нисбатан олганда 2,2 трлн.сўмга кўп демакдир.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари, млрд.сўмда¹

2020 йил январь-август ойлари давомида фойда солиғи бўйича жами 17 трлн.сўм ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жами 10,4 трлн.сўм келиб тушди. Шунингдек, йил бошидан август ойигача бўлган даврда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ва божхона идоралари томонидан жами 23 трлн.сўм, жумладан, солиқ идоралари томонидан 11,7 трлн.сўм, божхона идоралари томонидан 11,2 трлн.сўм ундириб олинди. Шу билан бирга, жорий йилнинг 8 ойи давомида қўшилган қиймат солиғи бўйича тўловчиларга 3 трлн.сўм, жумладан I ярим йилликда 1,6 трлн.сўм, июл ойида 577 млрд.сўм, август ойида эса 779 млрд.сўм маблағ қайтарилди. Умумий ҳисобда солиқ тўловчиларга сентябр ойи билан бирга ҳисоблаганда ёки жорий йилнинг 9 ойи давомида 4,4 трлн. сўмдан зиёд маблағлар қайтариб берилди².

Шу билан бирга, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб, қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олиннадиган миқдорининг ҳисобланган миқдордан ошиб кетган қисми, фақат “ноль” ставка қўллайдиганлар учун эмас, балки барча тоифадаги тўловчиларга қайтариладиган тартиб жорий қилинди.

2020 йил январь-август ойларида тоғ-кон компанияларидан давлат бюджетига тушган тушумлар жами 22,6 трлн.сўмни (ёки умумий даромадларнинг 27,3 фоизини), жумладан, фойда солиғи 11,1 трлн.сўмни, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи 7,6 трлн.сўмни ва давлат улушига ҳисобланган дивидендлар кўринишидаги даромадлар 3,8 трлн.сўмни ташкил қилди. Давлат бюджети даромадларининг айрим солиқлар бўйича йўқотишлари, қимматбаҳо металллар нархининг ошиб бориши натижасида тоғ-кон корхоналаридан қўшимча тушумлар, давлат корхоналаридан дивидендлар ҳамда Давлат бюджетининг бошқа даромадлари ҳисобига қисман қопланди.

Давлат бюджети харажатлари. Молия вазирлиги маълумотларига асосан, 2020 йил учун Давлат бюджети харажатлари 131,1 трлн.сўм миқдорида, шундан, республика

¹<https://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий маълумотлари ҳамда <https://t.me/minfinuzb> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Телеграмдаги расмий канали маълумотлари асосида тайёрланди

²3-чорак*- дастлабки маълумотларга асосан ҳисобланди.

²<https://soliq.uz/press-services/news/show/mahsuldorlikni-oshirish>

бюджети харажатлари 95,7 трлн.сўм ҳамда маҳаллий бюджетлар харажатлари 35,4 трлн.сўм миқдорида тасдиқланган эди.

Бирок, Коронавирус пандемиясининг тарқалиши, карантин чораларининг қўлланилиши ва баҳор мавсумида юз берган табиий офат ва техноген авариялар Давлат бюджети харажатларига жиддий ўзгартиришлар киритишни талаб этди.


Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, коронавирус пандемиясининг тарқалиши, карантин чораларининг қўлланилиши ва баҳор мавсумида юз берган табиий офат ва техноген авариялар Давлат бюджети харажатларига жиддий ўзгартиришлар киритишни талаб этди. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида 10 трлн. сўм миқдорида “Инқирозга қарши курашиш жамғармаси” ташкил этилди;

Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида тегишли Ҳукумат (ПКМ 232) қарорига мувофиқ Давлат бюджети харажатлари 6,1 трлн. сўмга мақбуллаштирилди;

2020 йилнинг 27-28 апрель кунлари кучли шамол таъсирида Бухоро вилоятида зарар қўрган аҳоли ва иқтисодий-инфратузилма объектларига 164 млрд. сўм;

“Сардоба сув омбори” тўғонида юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатида жабрланган аҳолини қўллаб-қувватлаш ва инфратузилмани тиклаш харажатларига жами 1,5 трлн. сўм қўшимча маблағ ажратиш белгиланди, шундан 1–ярим йилликда 500 млрд. сўм йўналтирилди.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари, млрд.сўмда³

Давлат бюджетининг 2020 йил 1-ярим йиллик харажатлари 64 трлн. 879 млрд. сўмни ёки ЯИМга нисбатан 25,4 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида бюджетдан 28 трлн 100 млрд. сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз муддатларида тўлик молиялаштирилиши таъминланди ва бу жами ярим йиллик харажатларнинг 48,4 фоизини ташкил қилди. 2020 йилнинг 9 ойига кўра эса давлат бюджети харажатларининг умумий ҳажми 99 трлн. 860,1 млрд.сўмни ташкил этди.



3-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети профицити (дефицити), млрд.сўмда⁴

³<https://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий маълумотлари ҳамда <https://t.me/minfinuzb> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Телеграмдаги расмий канали маълумотлари асосида тайёрланди

⁴<https://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий маълумотлари ҳамда <https://t.me/minfinuzb> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Телеграмдаги расмий канали маълумотлари асосида тайёрланди

Давлат бюджети дефицити. Хулоса қиладиган бўлсак, Ҳисобот даврида давлат бюджетининг даромадлари 88,8 трлн.сўмни, харажатлари эса 99 трлн. 860,1 млрд. сўмни ташкил этди ёки давлат бюджети 11 трлн. 26 млрд сўм миқдорида тақчиллик билан ижро этилди.

Стратегик режалаштириш ҳамда макроиктисодий параметрлар прогнозларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича лойиҳа томонидан тайёрланган.